



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 19 » fevral

№ 69

Toshkent sh.

Олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимиغا) эга бўлган педагогларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда ўқитувчи ва устозлик касбининг мақоми ҳамда нуфузини янада ошириш, хусусан, олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимиغا) эга бўлган педагогларнинг яшаш шароитини яхшилашда уларга қўшимча молиявий имкониятлар яратиш орқали соҳа вакилларини тизимли қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. **2026 йилдан бошлаб** камида **15 йил** иш стажига ва олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимиغا) эга бўлган педагогларга (кейинги ўринларда – педагоглар) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта молиялаштириладиган ипотека кредитлари бошланғич бадалининг **25 фоизини** қоплаб бериш учун Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби жорий этилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимиغا) эга бўлган педагогларга субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

субсидия олиш учун ариза бериш, ариза берувчини ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш тартиби;

баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ҳамда ипотека кредити бўйича субсидияни ҳисоблаш тартиби;

ипотека кредитини расмийлаштириш ва субсидия ажратиш тартиби.

3. Белгилансинки:

а) субсидия олиш учун аризалар Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали қабул қилинади ҳамда ушбу жараёндаги барча хизматлар бепул кўрсатилади;

б) ипотека кредити бошланғич бадалининг **25 фоизи** қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ипотека кредитларини қайта молиялаштиришнинг энг кўп миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади;

в) субсидия олиш учун келиб тушган аризалар “subsidiya.idm.uz” электрон платформаси орқали инсон омилисиз кўриб чиқилади ҳамда субсидиялар иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомаларига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “subsidyplatform.mf.uz” тўлов платформаси орқали автоматик тарзда тўлаб берилади;

г) ушбу қарорга мувофиқ ажратиладиган субсидияларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ҳар йили **200 млрд сўмгача** маблағ йўналтирилади. Бунда ушбу маблағлар:

2026 йилда республика бюджетининг аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш харажатлари доирасида;

2027 йилдан бошлаб республика бюджетининг параметрларида назарда тутилган ҳолда молиялаштирилади.

4. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимиغا) ва камида 15 йил иш стажига эга бўлган педагоглар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантирсин;

бир ой муддатда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда тегишли ахборот тизимларини “subsidiya.idm.uz” электрон платформаси билан интеграция қилинишини таъминласин.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда **бир ой** муддатда:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ахборот тизимларини давлат хизматини кўрсатиш учун зарур маълумотларни тақдим этиш учун “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилинишини;

уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш ЯИДХП орқали жорий этилишини;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартиби жорий этилишини таъминласин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **бир ой** муддатда “subsidiya.idm.uz” ва “subsidyplatform.mf.uz” платформаларида уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимиغا) эга бўлган педагогларга субсидия хабарномаларини бериш ва субсидия тўлаш бўйича қўшимча модулни яратсин.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

тижорат банклари билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти тўғрисида педагоглар ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этсин;

2027 йил 1 мартга қадар мазкур қарорга мувофиқ жорий этилаётган субсидия ажратиш тартибини такомиллаштириш, жумладан, ушбу дастур билан турар жойга эга педагогларни ҳам қамраб олиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров, мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

**Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимиغا) эга бўлган педагогларга субсидия ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадалнинг 25 фоиз қисмини Давлат бюджетидан қоплаб бериш учун камида 15 йил иш стажига эга бўлган олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимиغا) эга бўлган педагог ходимларни аниқлаш мезонлари, уларга субсидияларни ҳисоблаш ва ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия олиш мақсадида ариза билан мурожаат қилувчи, таълим ташкилотида фаолият олиб бораётган олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимиغا) эга 60 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси (педагог);

бошланғич бадал учун субсидия (кейинги ўринларда – субсидия) – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (кейинги ўринларда – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги) томонидан қайта молиялаштиришнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган энг кўп миқдорлари доирасида тижорат банклари томонидан ажратиладиган ипотека кредити бўйича шакллантирилиши лозим бўлган бошланғич бадалнинг 25 фоизи миқдорида Давлат бюджетидан талабгорнинг банкда очилган тегишли ҳисобварағига ўтказиладиган маблағ;

иштирок этувчи тижорат банклари – фуқаролар томонидан бирламчи уй-жой бозорида танланган уй-жойларни сотиб олишга ипотека кредитини тақдим этувчи тижорат банклари;

масъул ташкилотлар – ариза берувчининг аризасида кўрсатилган маълумотларни ижтимоий мезонлар асосида баҳолашга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда иштирок этувчи тижорат банклари;

талабгор – мазкур Низом талабларига мувофиқ ипотека кредитлари бўйича субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномани олган ариза берувчи;

хабарнома – ариза берувчига субсидия ажратиш ёки уни ажратишни рад этиш тўғрисида QR-код қўйилган, берилган вақтидан бошлаб қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида амал қиладиган ҳужжат.

3. Ушбу Низомга мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта молиялаштириладиган ипотека кредитлари бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш доирасида бирламчи уй-жой бозоридан квартираларни сотиб олиш учун ажратилади.

4. Субсидия ариза берувчининг рўйхатга олинган доимий яшаш жойидаги ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) доирасида қурилган уй-жойлар учун йўналтирилади.

Бунда субсидия фуқаро рўйхатга олинган доимий яшаш жойидаги ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) доирасида фуқароларнинг талабларидан келиб чиқиб ажратилади.

Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга олинган фуқаро субсидия дастури доирасида Тошкент вилоятида қурилган уй-жойларни ипотека кредити асосида сотиб олишга ҳақли.

5. Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимига) эга бўлган педагогларга субсидия ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ажратилади.

2-боб. Субсидия олиш учун ариза бериш тартиби

6. Ариза берувчи ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш учун исталган туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

Ўзи келиб мурожаат этганда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса ариза берувчи мустақил равишда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ давлат хизматидан фойдаланиш учун сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

Ариза берувчидан сўровномада қайд этилган маълумотлардан ташқари бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП орқали кўрсатиладиган хизматларга ҳамда марказ томонидан тегишли ташкилотларга сўров юбориш орқали маълумотларга бепул аниқлик киритилади.

7. Ариза берувчи туман (шаҳар) Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали сўровномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавоб беради.

Бунда ЯИДХПда ариза берувчининг автоматик тарзда тўлдириладиган маълумотларининг тўғрилигига тегишлилиги юзасидан масъул давлат органлари жавобгар ҳисобланади.

Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

3-боб. Ариза берувчини ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш тартиби

8. Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП орқали ариза топширишнинг босқичлари тўлиқ яқунлангандан сўнг масъул ташкилотлар сўровномада кўрсатилган маълумотларни ушбу Низомга 3-иловада келтирилган ижтимоий мезонлар асосида баҳолаш учун автоматик тарзда шу куннинг ўзида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “subsidiya.idm.uz” дастурий таъминот тизимига (кейинги ўринларда – дастурий таъминот тизими), дастурий таъминот тизими орқали эса масъул ташкилотларнинг ахборот тизимларига юборади.

9. Ариза берувчининг ижтимоий мезонларга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар масъул ташкилотларнинг ахборот тизимлари орқали автоматик равишда текширилади ва икки иш куни ичида дастурий таъминот тизимига юборилади.

10. Ариза баҳолаш жараёнига ўтказилишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “ФХДЁ нинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали ариза берувчи ва эр (хотин) ўртасида расмий никоҳ тузилгани дастурий таъминот тизими томонидан автоматик равишда аниқланади.

11. Масъул ташкилотларнинг ахборот тизимлари томонидан қуйидаги маълумотлар текширилади ва дастурий таъминот тизимига тақдим этилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги – ариза берувчи, шу жумладан, унинг турмуш ўртоғининг номида республиканинг барча ҳудудлари миқёсида икки ва ундан ортиқ мулк ҳуқуқи билан турар жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги – ариза берувчининг педагогик фаолият бўйича камида 15 йил иш стажига эга ёки эга эмаслиги, шу жумладан, ариза топширган вақтда фаолият юритаётгани;

в) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги – тегишлилиги бўйича ариза берувчининг олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозими) эга педагог эканлиги;

г) иштирок этувчи тижорат банклари – ариза берувчининг кредит тарихи банк ички талабларига мувофиқлиги.

12. Ариза берувчининг аризаси унинг ЯИДХПда қайд этилиш кетма-кетлигига мувофиқ масъул ташкилотларнинг ахборот тизимлари орқали келиб тушган маълумотлар асосида дастурий таъминот тизими томонидан ижтимоий мезонларга мувофиқлиги автоматик равишда баҳоланади.

Бунда аризаларнинг ЯИДХПда қайд этилиш кетма-кетлигида ариза берувчи, шу жумладан, унинг турмуш ўртоғининг номида республиканинг барча ҳудудлари миқёсида мулк ҳуқуқи билан турар жойи мавжуд бўлмаган ариза берувчи аризасининг навбатига устуворлик берилади.

13. Давлат хизматлари маркази, ЯИДХП ва масъул ташкилотлар ўртасида ахборот алмашинуви интеграциялашган тизим орқали амалга оширилади.

14. Ариза берувчини ижтимоий мезонлар бўйича баҳолашнинг адолатли ва ҳаққонийлиги учун тегишлилиги бўйича ахборот тизимларига масъул бўлган ташкилотнинг раҳбари ва ходимлари шахсан жавобгардир.

Давлат хизматлари маркази ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмаган муддатда масъул ташкилотлар томонидан аризаларни кўриб чиқиш ҳолати бўйича масъул ташкилот раҳбарларига тизимли равишда маълумот киритиб боради.

4-боб. Баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш тартиби

15. Ижтимоий мезонлар асосида баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, ариза берувчига дастурий таъминот тизими томонидан ушбу Низомга 4 ва 4а-иловаларда келтирилган намунавий шаклларга мувофиқ субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги электрон QR-код (матрик штрихли код) қўйилган хабарнома бир иш куни ичида Давлат хизматлари марказига ва ЯИДХПдаги шахсий манзилига юборилади.

Аризада ариза берувчи томонидан давлат хизматларини кўрсатишнинг натижасини олиб кетишга масъул шахс кўрсатилган ҳолларда, давлат хизматларини кўрсатишнинг натижасини ушбу шахсга тақдим этишда тегишли ишончнома талаб этилмайди.

16. Ариза берувчи баҳолаш натижалари бўйича ижтимоий мезонларга мос келган тақдирда, талабгор сифатида тан олинади.

Бунда ариза берувчининг кредит тарихи камида битта иштирок этувчи тижорат банкининг ички қоидаларига мувофиқ бўлиши лозим. Субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномани олган талабгорнинг бошқа исталган иштирок этувчи тижорат банкдан ипотека кредитини олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

17. Субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномада талабгорга ипотека кредити ажратилиши иштирок этувчи тижорат банклари томонидан кўриб чиқилиши ва ушбу хабарнома кредит ажратилишини кафолатламаслиги белгилаб қўйилади.

18. Қуйидаги ҳолларда ариза берувчига субсидия ажратиш дастурий таъминот тизими орқали автоматик тарзда рад этилади:

а) тақдим этилган аризада кўрсатилган маълумотлар камида битта ижтимоий мезонга мос келмаганда;

б) тақдим этилган маълумотлар нотўғри ёки сохта бўлганда.

Бунда ариза кўриб чиқиш жараёнига ўтказилмайди;

в) бошқа уй-жой субсидия дастурлари доирасида ариза берувчининг ва (ёки) унинг турмуш ўртоғининг:

субсидиядан фойдалангани аниқланганда (аввал олинган субсидияли ипотека кредитини сўндирган ва уй-жой бошқа шахсга бегоналаштириб юборилган тақдирда ҳам);

субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномаси амалда бўлганда;

субсидия олиш учун топширилган аризаси кўриб чиқиш жараёнида бўлганда;

г) ариза берувчининг кредит тарихи дастурда иштирок этувчи тижорат банкларининг ички қоидаларига мувофиқ бўлмаганда;

д) жорий йилда ажратиладиган субсидия маблағларига мутаносиб равишда субсидиялар сони тугаганда.

Бунда дастурий таъминот тизими томонидан барча аризаларни кўриб чиқиш автоматик тарзда тўхтатилади ва рад этилади;

е) ариза берувчи давлат дастурлари доирасида ажратиладиган ипотека кредитларидан фойдалангани аниқланганда. Бунда қарз олувчи томонидан 2024 йил 1 майга қадар олинган кредитлар ҳисобга олинмайди.

19. Ҳар йили уй-жой дастури доирасида олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимига) эга бўлган педагогларга ажратилиши назарда тутилган субсидия маблағлари миқдорига мутаносиб равишда субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномалар тақдим этилган тақдирда, дастурий таъминот тизимида аризалар қабул қилиниши автоматик равишда тўхтатилади.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича субсидия ажратиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

20. Ушбу Низомга мувофиқ ажратиладиган субсидия бир оилага (эри ёки хотинига) фақат 1 (бир) марта берилади.

Бунда талабгор фойдаланмаган субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномани ўз хоҳишига кўра Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали электрон ариза билан мурожаат қилган ҳолда рад этиши мумкин.

Талабгорнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномани бекор қилиш ҳақидаги аризаси келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан бекор қилинади.

Бунда хабарнома бекор қилинган тақдирда, субсидия ажратиш параметрларида рад этилган субсидия маблағларига мутаносиб равишда субсидиялар сони қайта инobatга олинади.

21. Субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги хабарномани олган ариза берувчи ушбу Низомда белгиланган умумий тартибда такроран мурожаат қилишга ҳақли.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибга мувофиқ:

ариза берувчининг мурожаатига асосан аризани кўриб чиқиш даври якунлангунига қадар масъул ташкилотларнинг электрон маълумотлар базасида хатолик туфайли нотўғри хулоса шаклланган тақдирда, Комиссия раисининг дастурий таъминот тизимида яратилган ва электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) билан тасдиқланган мурожаатига асосан дастурий таъминот тизим администратори томонидан маълумотларга тузатиш киритиш учун бир қадам ортга қайтарилади;

“Халқпарвар” комиссиялари ёки суд қарорлари билан хато ажратилган деб топилган субсидия хабарномаларини дастурий таъминотдан тўғридан-тўғри бекор қилиш ва тўловларни тўхтатиш Комиссия раисининг дастурий таъминот тизимида яратилган ва ЭРИ билан тасдиқланган мурожаатига асосан тизим администратори томонидан амалга оширилади.

Бунда масъул ташкилот тузатиш киритиш учун қайтарилган маълумотларни тизимга қайта киритиш ҳуқуқига эга.

“Халқпарвар” комиссиялари ёки суд қарорлари билан хато ажратилган деб топилган субсидия хабарномалари бекор қилинган тақдирда, Комиссия уч иш куни ичида фуқаро ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкини хабардор қилади.

5-боб. Ипотека кредити бўйича субсидияни ҳисоблаш тартиби

23. Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХПдан субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномани олган талабгор уй-жойни ипотека кредити орқали сотиб олиш бўйича қурилиш (пудрат) ташкилоти билан бирламчи шартнома тузади.

Бунда субсидия хабарномасини олгунга қадар қурилиш (пудрат) ташкилоти билан тузилган инвестиция шартномаси, улуш киритиш асосида тузилган шартномалар ҳамда субсидия хабарномасининг муддати доирасида тузилган бирламчи шартнома ҳам инобатга олинади.

Сотиб олинadиган уй-жой учун ажратилadиган ипотека кредити миқдори тижорат банклари томонидан белгиланган тартибда ариза берувчи ва биргаликда қарз олувчининг (кафилнинг) тўлов қобилиятидан келиб чиқиб аниқланади.

Фоиз тўловларини ҳисоблаш ажратилadиган ипотека кредити қийматига мувофиқ ҳисобланади.

Бунда тижорат банки томонидан ажратилadиган ипотека кредити миқдори жорий йил учун белгиланган ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошиб кетмаслиги шарт.

24. Ипотека кредитини белгиланган тартибда расмийлаштириш учун талабгор хабарнома амал қилиш муддатининг охири кунигача бўлган муддатда исталган иштирок этувчи тижорат банкига:

уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномани ва уй-жойни ипотека шартлари асосида сотиб олиш бўйича қурилиш (пудрат) ташкилоти билан тузилган бирламчи шартномани ҳамда фуқаро ўзига тегишли бўлган бадал маблағларини банкдаги ҳисобварағига жойлаштиргани ёки қурилиш (пудрат) ташкилотига тўланганини тасдиқловчи ҳужжатни;

ипотека кредити бўйича биргаликда қарз олувчининг (кафилнинг) тегишли маълумотларини тақдим қилади.

25. Иштирок этувчи тижорат банки тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан сўнг беш иш куни ичида қарз олувчига кредит бериш масаласини ўрганиб чиқади ҳамда аризани қаноатлантириш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бунда ариза қаноатлантирилган тақдирда, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун ипотека кредитини ажратиш тўғрисида ариза берувчига кафолат хатини тақдим этади.

26. Талабгор қурилиш (пудрат) ташкилоти билан нотариал тасдиқланган уй-жойнинг олди-сотди шартномасини ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи кадастр ҳужжатларини ипотека кредитини ажратиш тўғрисидаги кафолат хатида кўрсатилган муддат доирасида тижорат банкига етказди.

27. Ипотека кредити бўйича бошланғич бадал суммаси ипотека кредитларини қайта молиялаштиришнинг энг кўп миқдорлари доирасида ажратиладиган ипотека кредити миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланадиган уй-жой қийматининг 15 фоизи миқдорида аниқланади.

Бунда ажратилган ипотека кредити бўйича:

бошланғич бадалнинг 25 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан;

бошланғич бадал ушбу бандга мувофиқ аниқланадиган бошланғич бадал суммасидан ошиб кетган тақдирда, қолган қисми талабгорнинг ўз маблағлари ҳисобидан бошланғич бадал суммасини ошириш орқали қопланади.

28. Квартираларни сотиб олиш учун ажратиладиган ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг 25 фоиз қисмини қоплаш учун тўланадиган субсидия суммаси қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C_M = K_C * 0,15 / 0,85 * 0,25,$$

бунда:

C_M – ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг 25 фоиз қисмини қоплаш учун тўланадиган субсидия суммаси;

K_C – ипотека кредити шартномасида ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори.

6-боб. Ипотека кредитини расмийлаштириш ва субсидия ажратиш тартиби

29. Сотиб олинадиган квартира бўйича талабгор томонидан тўланиши лозим бўлган бошланғич бадал тўлиқ шакллантирилгандан сўнг иштирок этувчи тижорат банки талабгор билан бир иш куни ичида ипотека кредитини расмийлаштиради.

30. Талабгор томонидан сотиб олинадиган квартиранинг талабгор номига расмийлаштирилган кадастр ҳужжатлари тақдим этилгандан сўнг тижорат банки бир иш куни ичида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “subsidyplatform.mf.uz” тўлов платформаси (кейинги ўринларда – тўлов платформаси) орқали бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун кадастр ҳужжатларини илова қилган ҳолда субсидияни тўлашга буюртманомани юборади.

Бунда тўлов платформаси орқали иштирок этувчи тижорат банки томонидан киритилган буюртманомалар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши бўйича Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимида автоматик тарзда тўлов топшириқномаси шакллантирилади.

Иштирок этувчи тижорат банки тақдим этилган ипотека кредити суммаси ва бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун ажратилган субсидия миқдори тўғри ҳисобланишига жавоб беради.

31. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги беш иш куни ичида сотиб олинadиган уй-жой (квартира) учун ажратилган ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия суммасини иштирок этувчи тижорат банки томонидан кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказиб беради.

32. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан талабгорга тижорат банкида очилган ҳисобвараққа ўтказиб берилган бошланғич бадал учун субсидия фақат бошланғич бадал сифатида шакллантирилади ва ипотека кредити маблағлари билан бир вақтда қурилиш (пудрат) ташкилотига ўтказиб берилади. Мазкур маблағни бошқа мақсадларга йўналтириш тақиқланади.

33. Бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ўтказилган кундан бошлаб ўттиз кун ичида ундан фойдаланилмаган тақдирда, иштирок этувчи тижорат банки субсидияни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига қайтаради.

Бунда иштирок этувчи тижорат банки томонидан ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган муддат ўтгандан сўнг уч иш куни ичида ажратилган субсидия Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига қайтарилмаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун ушбу қайтарилмаган субсидиянинг 0,033 фоизи миқдорида пеня ҳисобланади.

34. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг тўлов платформаси орқали фуқароларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал тўловларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тўлаб берилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотлар Солиқ қўмитасининг ахборот тизимларига онлайн тарзда узатиб борилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

35. Иштирок этувчи тижорат банкининг ички сиёсатида белгиланган муддатларда ипотека кредитлари бўйича тўловларни сурункали равишда тўламаслик оқибатида бекор қилинган ипотека кредити шартномалари бўйича ундириладиган маблағлар (шу жумладан, гаровдаги уй-жойнинг сотилиши) ҳисобидан талабгорга бошланғич бадал учун ажратилган субсидия ипотека кредити бўйича гаровга қўйилган уй-жойнинг сотилган қийматидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ушбу банklar томонидан тўлиқ миқдорда қайтарилади.

36. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия ажратилиши, талабгорларга субсидия ҳисобланиши ва тўланиши юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат амалга оширилади.

37. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига
(бош ўқитувчи лавозимиغا) эга бўлган
педагогларга субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимиغا)
эга бўлган педагогларга субсидия ажратиш ва тўлаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Субсидия олиш учун туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мустақил равишда сўровномани электрон тарзда тўлдиради.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Туман (шаҳар) Давлат хизматлари маркази, ЯИДХП	1. Сўровнома ва унга илова қилинган хужжатларни қабул қилади. 2. Аризаларнинг қайд қилиниши навбатлигига кўра уларни ижтимоий мезонлар бўйича кўриб чиқиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “subsidiya.idm.uz” дастурий таъминот тизими (кейинги ўринларда – дастурий таъминот тизими) юборади ва тизим орқали масъул ташкилотларга электрон шаклда тақдим этади.	Шу куннинг ўзида
3-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг дастурий таъминот тизими	1. Масъул ташкилотларнинг электрон маълумотлар базасидан келиб тушган маълумотлар асосида аризани автоматлаштирилган тарзда қуйидаги мезонлар асосида баҳолайди: ариза баҳолаш жараёнига ўтказилишидан олдин “ФХДЁ ягона электрон архиви” маълумотлари базасидан ариза берувчи ва унинг турмуш ўртоғи ўртасида расмий никоҳ тузилгани; ариза берувчининг ижтимоий мезонларга мувофиқлиги; ариза берувчининг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) орқали ариза берувчининг кредит тарихи банкнинг ички қоидаларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги. 2. Баҳолаш натижалари юзасидан автоматик тарзда субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида QR-код қўйилган субсидия хабарномасини тегишли туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига ва ЯИДХПга электрон тарзда юборади.	1. 2 иш куни ичида 2. 1 иш куни ичида

4-босқич	Талабгор	1. Ўзининг даромади ва имкониятларидан келиб чиқиб, мўлжаллаётган уй-жойни ипотека кредити орқали сотиб олиш бўйича қурилиш (пудрат) ташкилоти билан бирламчи шартнома тузади. 2. Ипотека кредитини белгиланган тартибда расмийлаштириш учун талабгор исталган иштирок этувчи тижорат банкига субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномани ва уй-жойни ипотека шартлари асосида сотиб олиш бўйича тегишли ҳужжатларни тақдим қилади.	1. Субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар ёки субсидия хабарномасининг муддати доирасида 2. Хабарнома амал қилиш муддатининг охириг кунигача
5-босқич	Иштирок этувчи тижорат банки	1. Талабгорнинг субсидия хабарномасини “subsidyplatform.mf.uz” тўлов платформасидан (кейинги ўринларда – тўлов платформаси) рўйхатдан ўтказди. 2. Талабгорнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқади. 3. Ипотека кредитини ажратиш бўйича ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун ипотека кредитини ажратиш тўғрисидаги кафолат хатини тақдим этади. Бунда талабгорга ипотека кредитини ажратиш рад этилган тақдирда, тўлов платформасида яратилган буюртманомани бекор қилади.	5 иш кун ичида
6-босқич	Талабгор	Қурилиш (пудрат) ташкилоти билан нотариал тасдиқланган уй-жойнинг олди-сотди шартномасини ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи кадастр ҳужжатларини тижорат банкига тақдим этади.	Ипотека кредитини ажратиш тўғрисидаги кафолат хатида кўрсатилган муддат доирасида
7-босқич	Иштирок этувчи тижорат банки	1. Талабгор билан ипотека кредитини ажратиш тўғрисида шартномани имзолайди ҳамда ипотека кредитини расмийлаштиради. 2. Тўлов платформаси орқали бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун кадастр ҳужжатларини илова қилган ҳолда субсидияни тўлашга буюртманомана юборади.	1. 1 иш кун ичида 2. 1 иш кун ичида
8-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Сотиб олинаётган уй-жой (квартира) учун ажратилган ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия суммасини тижорат банки томонидан кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказиб беради.	5 иш кун ичида

Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига
(бош ўқитувчи лавозимига) эга бўлган
педагогларга субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

СЎРОВНОМА

Ариза рақами _____

Қабул қилиш санаси _____

Қабул қилган шахс _____

1. _____
(фамилияси) (исми) (отасининг исми)

2. Манзил: _____
(аҳоли пункти) (туман, шаҳар) (вилоят)

3. Туғилган санаси ____ / ____ / ____ 4. Жинси ____ аёл ____ эркак

5. Оилавий аҳволингиз:

бўйдоқ / турмушга чиқмаган _____

уйланган / турмушга чиққан _____

ажрашган _____

бева _____

ёлғиз она _____

6. Паспорт ёки ID-карта
бўйича жисмоний шахснинг
шахсий идентификация
рақамингиз (ЖШШИР)*: _____

7. Турмуш ўртоғининг
паспорт бўйича жисмоний
шахснинг шахсий
идентификация рақами

(ЖШШИР)

8. Сиз билан
боғланиш учун
маълумотлар:

эл. почта _____

уй тел: _____

иш тел: _____

мобиль тел: _____

Мен уй-жой олиш ҳамда уй-жой учун субсидия олишдан манфаатдорлигимни билдираман ва юқорида кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайман ҳамда кредит ахбороти тўғрисидаги ва бошқа тегишли маълумотларнинг ошкор этилишига розилигимни билдираман.

имзо

кун

ой

йил

Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига
(бош ўқитувчи лавозимига) эга бўлган
педагогларга субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

Субсидия ажратиладиган олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимига) эга бўлган педагогларни баҳолашнинг ижтимоий МЕЗОНЛАРИ

T/p	Мезонлар	Масъул ташкилот
I. Ҳозирги турар жой мақоми*		
1.	Ариза берувчида, шу жумладан, унинг турмуш ўртоғининг номида республиканинг барча ҳудудлари миқёсида икки ва ундан ортиқ мулк ҳуқуқи билан турар жой мавжуд эмаслиги	Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги
II. Олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимига) эга бўлган педагог**		
2.	Ариза берувчининг педагогик фаолият бўйича камида 15 йил стажга эга эканлиги, шу жумладан, ариза топширган вақтда фаолият юритаётгани	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
3.	Ариза берувчининг олий малака тоифасига эга педагог эканлиги	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
4.	Ариза берувчининг бош ўқитувчи лавозимига эга педагог эканлиги	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
III. Ариза берувчининг кредит тарихи иштирок этувчи тижорат банкларининг ички талабларига мувофиқлиги***		
5.	Ариза берувчининг кредит тарихи иштирок этувчи тижорат банкларининг ички қоидаларига мувофиқлиги	Иштирок этувчи тижорат банклари

*) Тўлиқ ўз мулкида икки ва ундан ортиқ уй-жойга эга бўлган оилалар (эр ёки хотин)га субсидия ажратилмайди.

Бунда аризаларнинг ЯИДХПда қайд этилиши кетма-кетлигида ариза берувчи, шу жумладан, унинг турмуш ўртоғининг номида республиканинг барча ҳудудлари миқёсида мулк ҳуқуқи билан турар жойи мавжуд бўлмаган ариза берувчи аризасининг навбатида устуворлик берилади.

**) Ариза берувчига II бўлим бўйича мезон асосида масъул ташкилотлар томонидан алоҳида маълумот тақдим этилади.

Бунда ариза берувчининг олий малака тоифасига эга педагог эканлиги тўғрисидаги маълумот Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ёки бош ўқитувчи лавозимига эга педагог эканлиги тўғрисидаги маълумот Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тақдим этилади ҳамда ушбу маълумотлардан биттасининг тасдиқланиши мазкур ижтимоий мезонга мувофиқ деб ҳисоблашга асос бўлади.

***) Ариза берувчининг кредит тарихи камида битта иштирок этувчи тижорат банкининг ички тартибига мувофиқ бўлиши етарли ҳисобланади.

Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига
(бош ўқитувчи лавозимиغا) эга бўлган
педагогларга субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

НАМУНА

**Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига (бош ўқитувчи
лавозимиغا) эга педагог ходимларга субсидия ажратиш тўғрисида
0000000-сон
ХАБАРНОМА**

Ариза рақами _____

Берилган санаси “___” _____ 20__ йил

Амал қилиш муддати “___” _____ 20__ йил

Фуқаро _____
(Ф.И.О)

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил “___” _____ даги _____-сон қарори билан тасдиқланган
Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимиغا) эга бўлган
педагогларга субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган ижтимоий
мезонларга мувофиқлиги сабабли талабгор деб топилди.

Паспорт (ID-карта) маълумотлари:

серияси _____ рақами _____

Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) _____

Ким томонидан берилган _____,

Берилган санаси _____

Доимий рўйхатдан ўтган манзили _____

*Давлат бюджети ҳисобидан уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича субсидия
миқдори Низомда белгиланган умумий тартибга мувофиқ ҳисобланади ва тўланади.*

Изоҳ. Мазкур хабарнома фуқарога ипотека кредитини ажратилишини кафолатламайди.
Ипотека кредитини ажратиш иштирок этувчи тижорат банклари томонидан
белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Хабарнома берилган ҳудуд (Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)

QR-код

Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига
(бош ўқитувчи лавозимига) эга бўлган
педагогларга субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4а-илова

НАМУНА

**Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимига)
эга педагог ходимларга субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида
00000000-сон
ХАБАРНОМА**

Ариза рақами _____

Берилган санаси “ ____ ” _____ 20__ йил

Фуқаро _____
(Ф.И.О)

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил _____ -сон қарори билан тасдиқланган
Уй-жой сотиб олиш учун олий малака тоифасига (бош ўқитувчи лавозимига) эга бўлган
педагогларга субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг _____
сабабли рад этишга асосли деб топилди.

(Низомнинг қайси бандига асосан рад этилиши кўрсатилиши керак)

Паспорт (ID-карта) маълумотлари:

серияси _____ рақами _____

Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) _____

Ким томонидан берилган _____,

Берилган санаси _____

Доимий рўйхатдан ўтган манзили

Хабарнома берилган ҳудуд (Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)

QR-код

